

## ФАРҒОНА ВОДИЙСИ ТАРАҚҚИЙПАРВАР ЖАДИД НАМОЁНДАЛАРИ

Абдураззақова Ферузахон

Андижон давлат университети умумий педагогика кафедраси

Нодиров Султонмурод

Андижон шаҳар 2-сон касб -хунар мактаби Ў.И.Д. ўринбосари

**Аннотация:** ушбу мақолада Фарғона водийси жадидчи маърифатпарварларининг, Ўрта Осиёда биринчилардан бўлиб таълим-тарбияга, педагогик фикрларга, мустақилликка биринчилардан бўлиб қадам қўйган. Водийда биринчилардан бўлиб Ҳамза, Ибодий, Исоқхон Иброт ҳақида маълумот берилди.

**Калит сўзлар:** Фарғона водий, Жадидчи, таълим-тарбия, мустақиллик

**Annotation:** in this article, Fergana Valley modernist enlighteners, among the first in Central Asia, took a step towards education, pedagogical ideas, and independence. Among the first in the valley, information is given about Hamza, Ibadi, Isaqhon Ibrat.

**Key words:** Ferghana Valley, Jadidchi, education, independence.

Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий 1889-йилда Кўкон шаҳрида табиб оиласида туғилди. У ёшлиқдан ўқишга берилиб, 12 ёшида хат саводли бўлади. 1906-йилда мадрасага кириб ўқиди, кейин мустақил равишда Лутфий, Алишер Навоий, Гулханий, Муҳимий, Фуркат асарларини ўқиб ўрганди.

Ҳамза Ҳакимзода 1911-йилда Кўконда Ҳожибек гузариди янги усулда мактаб очиб, ўқитувчи бўлиб ишлади. 1913-1914 йилларда Афғонистон, Ҳиндистон мамлакатларида, Макка ва Мадина, Шом, Байрут, Истамбул, Одесса шаҳарларида сафарда бўлди. Сафардан қайтгач, 1915-йилда Шоҳимардонда мактаб очиб, ўқитувчиликни давом еттирди.

Ҳамза Ҳакимзода педагогик иш билан бирга, ижодий иш билан ҳам шуғулланиб, 1915-1916 йиллар давомида „Оқ гул“, „қизил гул“, „Пушти гул“, „Сариқ гул“ шеърий тўпламларини, „Миллий роман ёхуд янги саодат“, „Заҳарли ҳаёт“ драматик асарларини яратди ва уларда педагогик ғояларини баён этади.

Ҳамза Ҳакимзода Шоҳимардонда маърифат душманлари томонидан 1929-йил 18-март куни ўлдирилади.

Ҳамза Ҳакимзода маърифий-педагогик қарашларининг назарий асоси

Ҳамза Ҳакимзода ўз педагогик қарашларида халқ маорифини демократик асосда қайта қуриш, маорифнинг янги тизимини яратиш ғоясини илгари сурди. У ўз тажрибасига суянган ҳолда, болаларни илмли, одобли қилиб тарбиялаш ва хунарга ўргатиш, мактабда дунёвий фанлар ўқитилиш лозимлигини айтди. Унинг фикрича, мактабда ақлий тарбияда болалар табиат ҳодисаларини, уларнинг ўзаро боғлиқлигини билиши керак. Ахлоқий тарбияда болаларда инсонпарварлик туйғусини ривож топтириш лозим. Шундагина болалар жамият ва халқ фаровонлиги учун хизмат қиладиган бўлиб етишадилар.

Ҳамза Ҳакимзода педагогик қарашларида оила муҳотида болани тарбиялаш масаласи алоҳида ўринда туради. Унинг уқтиришича, бола баркамол инсон, гўзал ахлоқли бўлиб етишиши учун оилада соғлом муҳит, тарбия тўғри йўлга қўйилган бўлиши керак. Шундагина оилада бола ахлоқли, гўзал хулқли, жамиятга, халқга муносиб фарзанд бўлиб етишади.

Ибодий 1921 - 1923 йилларда «Қўшчи» иттифоқида озиқ - овқат тайёрлов идорасида мухбир бўлиб ишлайди. Лекин шу пайтда ҳам у маданий - ма`рифий ишларни давом еттиради. 1923-йил ма`ориф шўбаси Ибодийга иккинчи босқич ўзбек мактаби ташкил қилиш вазифасини юклайди. Бу ишни у муваффақият билан бажаради .

Ибодийнинг мактаб ва ма`рифат соҳасидаги 36 йиллик хизматларини инобатга олган ҳолда, Ўзбекистон Марказий идеология комитети 1936-йил 14 - октябрдаги Қарори билан уни “Мехнат қаҳрамони” унвони билан тақдирлайди ва шахсий нафақага та`сис етади. Бу унвонга у биринчи бўлиб сазовор бўлган еди. Лекин 30-йилларнинг мудхиш воқеалари ма`ориф жонкуяри А.Ибодийни ҳам четлаб ўтмади. Фидоий инсон “Халқ душмани” тамг`аси билан 1937 йил 10 сентябрда хибсга олинди. Хибсга олиниши арафасида у Қўқондаги 1 - болалар уйи интернатининг директори ва ўқитувчиси бўлиб ишлар еди.

Хибсга олиш учун унга қўйилган айблар қуйидагилар: 1914-йил Истамбул шаҳрига бориб, турк сиёсий арбоблари билан учрашган, бунинг учун у пан туркист сифатида қораланган. Туркистон мухторияти даврида еса миллат тақдири, манфаатлари ҳақидаги қарашларидан иборат адабиётларни тарқатиш учун “Хайрат” жамияти тузган, бунинг учун у буржуа миллатчиси деб қораланган. “Та`лими ма`ориф” (“СХўрои Исломия”нинг а`зоси бўлганлиги) аксилинқилобий ташкилотнинг а`зоси бўлганлиги, болшевиклар та`рифига кўра, “ескилик саркити” деб қилинишига киритилган мадраса масжид диний уламолар тўпланадиган биноларнинг тугатилишига қарши чиққанлиги, бу ҳаракатларга кескин норозилик билдирганлиги, совет хокимиятининг сиёсати ўзбек халқининг моддий аҳволини ёмонлашишига олиб келганлигини е`тироф етганлиги, Ўзбекистоннинг софдил ва фидоий инсонларини қамокқа олинмоқда, деб ҳақиқатни ошқора та`кидлагани туфайли “советларга қарши ташвиқод” юритишда айбланган .

1937- йил 27-ноябрда Ўзбекистон ССР Ички Ишлар халқ комиссарлигининг “Учлик” комиссияси А. Ибодийни 10 йил хат олмаслик шarti билан мехнат тузатиш лагерига жўнатиш юзасидан ҳукм чиқарди.

Ички Ишлар Халқ Комиссарлигининг 1947-йил 25- февралдаги хабарномасида Абдулвахҳоб Ибодийни 1942-йил 3-июлда вафот етганлиги қайд етилган.

КПСС XX с`ездидан сўнг шахсга сиг`иниш йиллари қурбонларини оқлаш жараёнида Абдулвахҳоб Ибодий ҳам оқланди. Фарғона вилоят судининг 1956-йил 16-октябр қарори билан Ўзбекистон ССР ИИ ХК “Учлик” комиссиясининг 1937-йил 27-ноябр қарори бекор қилинди. Ма`рифат фидоийсининг номи қайта тикланди. Бугунги кунда Қўқон шаҳридаги 12-сонли болалар уйи унинг номи билан юритилмоқда.

Фарғоналик яна бир атоқли тараққийпарвар инсон Ашурали Зохирий - Муҳаммадзоҳировдир (1885-1937). У 1885-йили Қўқон шаҳри атрофидаги Ойим қишлоғида туг`илган. Қўқондаги Мадалихон мадрасасида бошланғич та`лимни олиб, 1907-йилнинг март ойидан Қўқон рус - тузим мактабида ўзбек тили ва адабиётидан дарс бера бошлади .

Зохирий 1910-йилдан бошлаб газеталарда ўз асарлари, замон руҳига мос мақолалари билан қатнаша бошлайди. Унинг бу мақола ва асарлари ўзбек тили масалалари, мактаб ҳаёти, ўқув - тарбиявий ишларга бағ`ишланиб, туб моҳияти билан халққа ма`ориф тарқатиш руҳида ёзилган. Зохирийнинг бу асарлари “Саодати Туркистон”, “Саодати Фарғона” ва “Туркистон” вилоятининг газетасида чиқиб турди. Мазкур масалаларнинг руҳиятида кишиларда миллий ва диний иймон е`тиқод, ватанпарварлик ҳисларини тарбиялаш г`оялари ётар еди. Мақолалар Зохирий сиёсий қарашларининг кўзгуси еди. Унинг мақолалари бошқа тараққийпарварларнинг мақолаларига нисбатан миллийликка кўпроқ ург`у бериши билан ҳам ажралиб туради. Жумладан, “Садойи Фарғона” газетасида е`лон қилган “Она тили” мақоласида марифатпарвар кишиларни чет тилларни ҳам яхши ўзлаштиришга да`ват етган ҳолда, ўз она тилини ҳам мукамал егаллашга чақиради: “... қачонки ўз она тилимизни яхшилаб билмадукми, бошқа тилни албатта дуруст билмаймиз. Шунинг бирла на уни билурмиз, на буни!...” .

Зохирий исте`додли тилшунос ва журналист, адабиётшунос, билимдон таржимон, талантли ташкилотчи, саҳоватли мураббий еди. У ўз она тилидан ташқари араб, форс ва урс тилларини ҳам яхши билар еди. 1916-йилда “Имло” номли китоб ёзиб, уни Қўқондаги “Г`айрат” кутубхонаси орқали нашр еттирди. 1925 йилда еса икки жилдли “Русча - ўзбекча” луг`атни тузди .

“Садойи Фарғона” газета идорасида Зохирий Мусахҳиҳ вазифасини бажарди. Бу ҳақда Боқуда чиқадиган “Янги иқбол газетаси” қуйидагича хабар беради:- “... Мухтарам Ашурали афанди Зохирий ва бошқа бир қанча г`айратли ишчиларимизнинг г`айрат ва ижтиҳодлари ила, газета ниҳоятда нафис ва миллий еҳтиёжларимиз ҳақинда ёзилмиш мақолалари ила тўлиб чиқа бошлади...” .

Ма`лумки, замонавий миллий кадрлар тайёрлаш жадидларнинг асосий диққат марказида турган. Зохирий Туркистон халқлари ҳаётидаги ҳар бир ижобий янгиликни зўр қувонч билан кутиб олди.

1917-йил феврал инқилобидан кейин ўлка тараққийпарвар кучлари фаолиятида кескин кўтарилиш юз берди. Бу даврда Зохирий ҳам Туркистон ҳаётидаги ижтимоий - сиёсий воқеаларда қизг`ин иштирок етди. 1917-йил апрел ойида бўлиб ўтган ўлка мусулмонларининг биринчи қурилтоида Туркистон Россия федерацияси таркибидаги мухтор жумҳурият бўлиши ҳақидаги қарорни ёқлаб чиқди. Туркистон мусулмонлари ўлка Шўросининг Фарғона вилояти фаолиятини ёлга қўйишда г`айрат кўрсатди .

Унинг сиёсий қарашлари маслак жиҳатидан Волидий, Мунаввар Қори, Обиджон Махмудов фикрлари билан мос тушар еди. А.З.Валидий ҳам ўз хотираларида Зохирий билан яқин алоқада бўлганлигини та`кидлаб ўтади .

Зохирий совет даврида ҳам ўзбек миллий педагогикасини ривожлантирувчи номоёндалардан бири сифатида фаолият кўрсатди. Атоқли ма`рифатпарвар 1917-йилда Қўқонда “Дорулмуаллимин” мактабини ташкил етди. Бу мактаб 1922-йилгача ўз фаолиятини давом еттирди. 1922-йил Фарғона шаҳрида иккинчи босқич янги усул мактаби ташкил етилгач, “Дорулмуаллимин” бунга бирлаштирилиб, “Педагогика техникуми” ташкил топди. У техникумда ўзбек тилидан дарс берди. У 1923-йилда “Меҳнат қахрамони” деб е`лон қилинди. 1930-йилгача Педагогика ва нефт`техникумларида ва “Янги Фарғона” газета тахририятида ишлади. Зохирий бу даврда ҳам гоҳ яширин гоҳ ошкора ҳолатда Ватан ва миллат истиклоли ёлида кураш олиб борган. 1929-йил ўз қишлоғ`ида “Фан” деб номланувчи ташкилот тузди ва уни фаолиятини бошқарди. Ушбу ташкилот а`золарини совет ҳукумати сиёсатидан норози бўлган миллий зиёлилар гуруҳини ташкил етар еди. “Фан” лойихачилар республика миқёсидаги “” яширин ташкилотига ёзилиб а`золарга етказиб берди!

1930-йил 30-январда Ашурали Зохирий сиёсий айблар билан терговга тортилди ва ўн йил муддатга қамоққа ҳуқум қилинган. Муддатидан илгари қамоқдан қайтган исёнкор ма`рифатпарварни кўп ўтмай 1937-йил яна қамоққа олдилар. “Учлик” комиссиясининг 1937-йил 4-декабрдаги суд ҳукми билан отилди.

Жадидларнинг янги усул мактабларга Туркистонда, хусусан Фарғона водийсида осонликча ёл билан очилгани ёқ. Бир томондан чор ҳукумати ёл бермайди мутассиблик. Масалан, Туркистон ўлкаси ўқув юртлари бош инспектори 1913-йил 31-декабрда ўлка ўқув юртлари инспекторларидан янги усул мактаблари ҳақида қуйидаги мазмунда ма`лумот беришни сўрайди:

- 1.Мактаб қачон ва кимнинг руҳсати билан очилди?
- 2.Айнан қайси фанлар ва қайси тилда дарс ўтилади?
- 3.Қайси дарсликлар қабул қилинган?
- 4.Ўқитувчилар таркиби, агар мактабда рухоний муллалардан бошқа дунёвий шахслар та`лим бераётган бўлса, улар қандай ма`лумотга ега ва айнан нимадан дарс беради?
- 5.Бирон-бир ўқув дастурига егами?
- 6.Ўқувчилар сони?
- 7.Маҳаллий хокимиятга мактаб ёки алоҳида шахслар тўғ`рисида ма`мурий ёки жинойий тергов кўзг`отиш учун асос бўладиган бирон-бир ноҳуш ма`лумот келиб тушганми?

Юқоридаги топшириққа жавобан, Фарғона вилоят ўқув юртлари инспектори Ф. Егоров 1914-йил 12-январда Туркистон ўқув юртлари бош инспекторларига мактаблар ички тартиб-қоидалари ҳақида ма`лумотлар беради.

Қўқон, Наманган, Андижон, Ўш,Марғилон каби йирик шаҳарларда жадид мактаблари бўлган ҳолда кичик шаҳар ва қишлоқларда ҳам мактаблар очила бошлади.

Масалан, Шаҳриҳонда 1914-йили 3 та усул жадида мактаби бўлиб, шундан иккитаси Қўқонлик муаллимлар, 1 тасида еса шаҳриҳонлик Хўжахон Мансурхўжа дарс берганлар .

**Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати:**

1. И.А.Каримов. Юксак ма`навият-енгилмас куч Т., «Ма`навият» 2010 й.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон ХХИ аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Тошкент Ўзбекистон, 1997-320 б.
3. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак юк. Ўзбекистон тарихи.- 1999 №1. – Б.3-14